



ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР МЕБЕЛЛАР

2000 йилда ташкил этилган «Interyer biznes» масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз замонавий мебеллари билан харидорлар эhtiёжини қондириб келаётган корхоналар сирасига киради. Ишчи-хизматчиларнинг самарали меҳнати натижасида бу ерда 50 дан зиёд мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг кўргазмалар залига кирган харидорнинг кўзлари қувнайди. Бу ерда корхонада тайёрланган ва ишлаб чиқарилган кўзда тутилаётган янги дизайнли маҳсулотлар мавжуд.

Ётоқхона, меҳмонхона, офис, ошхона, юмшоқ ва бошқа кўплаб мебеллар тўплами шулар жумласидандир. Офис мебеллари буюртма асосида тайёрлаб келинмоқда. Мебеллар асосан маҳаллий хом ашёлардан тайёрланади. Германия ва Хитой технологиялари маҳсулотларнинг харидоргирлигини таъминламоқда.

— Бу йилги режамиз ўтган йилгига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда халқимиз эhtiёжини қондиришдир, — дейди корхонанинг бош ҳисобчиси Насиба Сирожиiddинова. — Маҳсулотнинг сифатли бўлишида эътибор бериладиган

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сўнгги пайтларда мамлакатимизда мебель саноати жадал ривожланмоқда. Изчиллик билан амалга оширилаётган маҳаллийлаштириш дастури натижасида ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати ошиб, тури кўпаймоқда. Натижада улар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнини топмоқда.

жиҳатлар сирасига аввало олинаётган хом ашёларнинг сифатли эканлиги, кадрларнинг маълумаси юқорилиги ҳамда чет элдан келтирилган ускуналардан тўғри фойдаланишни киритиш мумкин. Пойтахтимиздаги бу турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ичида бизнинг маҳсулотлар ўз услуби билан фарқ қилади. Бизда Европа ва классик услубида мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Нархи ҳам анча харидорбоп.

Ишчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларга махсус кийимлар берилади, бепул тушлик билан таъминланади, бундан ташқари Касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг даволатишларига пул ажратилади.

Фаолият олиб борадиган мутахассисларимиз асосан

мебель бўйича технолог, дизайнерлар, катта усталар ва мебель ишлаб чиқарувчи ишчилардир.

Янги мебель маҳсулотлари устида дизайнерлар гуруҳи фаолият кўрсатади. Улар сўнгги моделдаги компьютерлар билан ишлашади. Компьютерларга ўрнатилган махсус дастур асосида мебель дизайни чизилади, сўнг технологлар жараёни ривожлантиради, шу тариқа харидорларга мебель маҳсулотлари етказилади.

Ушбу корхона турли кўргазмаларда қатнашиб, дипломларни қўлга киритиб, келгусида янги-янги мебель турларини кўпайтирмоқчи. Барча маҳсулотлари сифат сертификатига эга.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишлаб «Конституция – инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кафолати» мавзuida видеоконференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, ҳуқуқшунослар, олий ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар қатнашди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Мухаммадиев, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси А.Маматов, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ходиев ва бошқалар Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрият саналган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямиз мўҳим асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши ёшлар-

нинг бу борадаги билими ва маданиятини юксалтиришда мўҳим дастуруламал бўлмоқда. Ушбу фармойишга асосан, мамлакатимизда Бош қомусимизни ўрганишнинг узлуқсиз, изчил ва босқичма-босқич тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ёш авлод онгушуурига етказишга доир машғулотлар мактабгача, умумий ўрта таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-хунар, олий ўқув масканлари дастуридан ўрин олди.

Олий таълим тизимида ҳам Конституциямизни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўтказилган видеоконференция ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Он-лайн тарзида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида мулоқотда бўлди. Бош қомусимизнинг халқчилиги, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги, шу билан бирга, ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Талабаларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-логистикани ривожлантириш ассоциацияси билан ҳамкорликда бизнес форум ташкил этилди. Европа Иттифоқининг «Транспорт ва логистика соҳасида ISO стандартлари ва бошқарув сифати» лойиҳасининг якуний тадбири доирасида бўлиб ўтган ушбу форумда ISO 9004 ва умуман, бошқарув тизимларини жорий этиш билан боғлиқ афзаллик ҳамда имкониятлар ҳақида сўз борди.

• «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан ўтказиб келинаётган «Йил аёли» миллий кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда ижодий беллашувнинг шахар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган аёллар ўз билим ва касб маҳоратини синовдан ўтказдилар. Якунда вилоят Хунармандчилиқни ривожлантириш маркази раиси Матлуба Бозорова мутлақ голиб, деб топилди.

• Пастдарғом туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Микрокредитбанк» ОАТБ Жума филиали ҳамкорликда 2012 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиққан эди. Аёллар фаоллигини оширишга қаратилган тадбир ўз самарасини берайпти. Ўтган давр мобайнида 15 нафар хотин-қизга 13 миллион 700 минг сўм кредит ажратилди. Имтиёзли кўмак олган тадбиркор аёллар бу маблағни тикувчилик ва зардўзликни ривожлантириш, паррандачилик соҳасига ва гўзаллик салони очишга сарфлашди. Натижада, 44 нафар аёл иш билан таъминланди.

• Навоий вилоятининг Навбахор туманида миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосидаги «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида қад ростлаган ушбу иншоот қурилиши учун 325 миллион сўм йўналтирилди.

ЖАҲОНДА

• АКШ ва Буюк Британия астрономлари ҳамкорликда фалакийт илмида катта шов-шувга сабаб бўлган янги сайёрани кашф қилишди. Мазкур само жисми антиқа кўринишда бўлиб, иккита Қуёш табиий йўлдош сифатида унинг орбита-сида айланиб юради. Сайёранинг ўзи эса бир жуфт Қуёш атрофида ҳаракатланиб туради. Ердан 5000 ёруғлик йили узоқликда жойлашган сайёрага «РН1» («Planet Hunters») (сайёра овчилари) номи берилди. Тўрт Қуёшли само жисмининг ҳажми Нептун катталигида. Ердан эса олти баробар йироқроқ.

• Францияли таниқли расом ва ҳайкалтарош Фабрис Ибер ноодатий хом ашёдан тайёрланган ҳайкалтарошлик кўргазмасини ташкил этди. Унда лаб бўёғидан ясалган ҳайкаллар жой олган. Намойишга тақдим этилган асарларга «1M3 de beauty», яъни «Бир метр куб гўзаллиги» дея ном берилди. Бунга умумий ҳажми бир метр кубни ва оғирлиги 150 кг.ни ташкил этувчи қизил рангли лаб бўёғидан фойдаланилган сабаб бўлди. Кўргазма Париждаги «Palaic de Tokyo» музейида 2013 йилнинг 7 январига қадар давом этади.

• Канадада аста-секинлик билан қоғоз пуллардан воз кечилади. Бу ҳақда ҳукумат томонидан маълум қилинди. Шу боис ҳозир полимердан тайёрланган 800 миллион дон 20 долларлик пластик пуллар муомалага чиқарилди. Таъкидланишича, улар қоғозга нисбатан кўпроқ муддат хизмат қилади. Пулларнинг кўринишида ҳам ўзгариш бўлган. Яъни унинг ўртасида Буюк Британия кириличаси Елизаветанинг сурати акс эттирилди. Бунга қадар бу расм пулнинг ўнг тарафига жойлаштирилган эди. Режага кўра, яқин орада 5 ва 10 долларлик худди шундай пластик пуллари муомалага кири-тиш кўзда тутилмоқда.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-

сонли академик лицейда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб «Конституция – бахтимиз қомуси» мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган «Ижтимоий шериклик институтини қўллаб-қувватлашнинг социал-иқти-

содий шакллари» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Пойтахт» бизнес-марказида «Қамолот» шахмат тахтаси» мусобақасининг шахар босқичи ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Коммунал соҳа эса ҳар бир фуқарога дахлдор бўлган муҳим масалаларни ўз ичига олади. Бу борада ҳаётта татбиқ этилаётган туб ўзгаришлар, биринчи навбатда, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва ҳалқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУМШ) фаолиятида эса соҳада амалга оширилаётган ишлар кўзгудагидек акс этади.

Бир уйли ширкатлар самараси

Мамлакатимизда кўп хонадонли уйлари бошқариш тизимида улкан ўзгаришлар рўй бермоқда: кўп уйли ширкатлар кичиклаштирилиб, кўпроқ бир уйли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, улар билан бир вақтда профессионал бошқарув компаниялари ташкил этилмоқда. Бугун бу борада амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш учун янги чора-тадбирлар керак. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан соҳани ривожлантириш мақсадида ўз вақтида қўрилган чоралар тўғрисида ижобий натижаларга эришилмоқда. Истиқлол йилларида коммунал хўжалигини ислох қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича юздан ортқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мамлакатимиздаги кўп хонадонли уй-жойлар шаклидаги давлат уй-жой фондидан 98 фоиз хусусийлаштирилди. Ўзбекистон собиқ иттифок давлатлари орасида биринчи бўлиб бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг уй-жой кодексини қабул қилди.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2005 йил 11 февралда қабул қилинган «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳа олдида қўйилган муҳим вазифаларни бажаришда муҳим омили бўлмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқаруви раиси Алишер Набиев. – Тошкентдаги 9155 кўп хонадонли уйлarning 7618 таси 1991 йилгача қўрилган. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган «1991 йилгача қўрилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланиши учун асбоб-хўжалик қўрилма-хўжалик қўрилма»ги Қарори билан пойтахтимиздаги 5355 кўп хонадонли уйлarning ички муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ширкатларини қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттирган ҳолда, 2011-2012 йилларда муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирлаш бўйича ҳар йили ҳудудий дастурлар қабул қилинган ва шу вақт давомида 651 уй таъмирланди. Жорий йилда 300 кўп хонадонли уй капитал таъмирдан чиқарилди. Уларнинг 100 тасида бу иш маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар-жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ҳукуматимизнинг 2006-2007 йилларда қабул қилинган бошқа ҳужжатлари соҳада оид ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим омили бўлди. Улар йirik ХУМШларни кичиклаштириш ҳолда, иккам ширкатларни ташкил қилиш имконини берди. Хозирги кунда пойтахтимизда 2327 ХУМШ кўп қаватли уйлarga хизмат кўрсатаётир. Бир ширкатга ўртача бешта уй-жой тўғри келмоқда.

ХУМШларни кичиклаштириш уларга хизмат кўрсатадиган профессионал бошқарув компаниялари тузишини тақозо этди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 24 декабрда имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, профессионал бошқарув компаниялари 2014 йилгача ягона ижтимоий ўловлардан ташқари солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий ўловларни тўлашдан озод этилди. Бу эса Тошкентда 185 профессионал бошқарув компанияси, 2880 янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берди. Жорий йилда фаолият кўрсатаётган бошқарув компаниялари моторолерлар, газ ва электр пайвандлаш аппаратлари, подваллардан сув чиқариш насослари, компрессорлар, турли асбоблар, автотранспорт билан таъминланди.

Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ҳузурида «Ободлигим факим коммунал сервис», «Олтин сифат темир», «Олтин водий қурилиш таъмирлаш» профессионал бошқарув компаниялари ташкил этилди. Уларда юзга келган носозликларни бартараф этиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли бажаришга қодир маъсулиятли техник ходимлар меҳнат қилмоқда. Бу компаниялар зарур инвентар ва транспорт воситалари, қурилиш материаллари билан таъминланган.

Ширкатларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари шартнома асосига қўрилмоқда. ХУМШ хизматлар бюромачиси, профессионал бошқарув компаниялари эса уларни бажарувчи. Бироқ, улар ҳали ҳам ХУМШлар ишончини қозона олгани йўқ. Негаки, кўпчилик ширкатлар умумий мулкни мустақил бошқариши, уларга

хизмат кўрсатиши ва таъмирлашига қўниқиб қолган. Аммо, уй-жой хизматлари бозори босқичма-босқич ривожланиб бормоқда ва компаниялар кенг турдаги хизматларни таклиф этмоқда. ХУМШларнинг ўзига мақбул пудратчини танлаш имконияти ҳам кенгаймоқда.

Соҳани ривожлантириш йўлидаги янги чора-тадбирлар

Соҳа олдида аҳолига сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш, профессионал бошқарув компаниялари ва коммунал хизматларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ХУМШ раҳбарларининг малакасини ошириш каби кўплаб долзарб муаммолар турибди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент шаҳрида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш учун янада қулай шарт-шароитлар, яратил мақсадида профессионал бошқарув компанияларини жадал ташкил этишга бағишланган мажлисида ўшбу масалаларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Мажлис якуни бўйича қабул қилинган қарорда уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини амалга ошириш учун зарур молия, солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш қўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги протоколи топириғини бажариш доирасида ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида рақобатни кучайтириш мақсадида қўшимча 104 профессионал бошқарув компаниясини ташкил этиш белгиланган. Бундан қўзланган мақсад амалга оширилаётган ишлар даражаси ва сифатини

Қарор ва ижро

СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

ошириш, кўп хонадонли уйлarning техник ҳолати талаб даражасида сақланишига эришишди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда янги бошқарув компанияларини ташкил этиш, уларни молия ресурслари билан таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 30 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратиш лозим. Чунки, уларга лизинг асосида «Дамас», «MAN», «Isuzu» автомобилларини бериш қўзда тутилмоқда. Кредитлар йилига 6 фоиз йиллик устама тўлаш шарти билан уч йил муддатга берилади, бунда имтиёзлик давр-олти ойни ташкил қилади. Шунингдек, бошқарув компанияларига мамлакатимиз қорхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли асбоблар ва қурилиш материалларини арзон нархларда етказиб бериш чоралари қўрилади. Бошқарув компанияларида касб-хўна қоллекларининг 2-3-курс ўқувчиларининг амалиёт ўташига ҳам катта эътибор қаратилади.

Юзга келадиган масалаларни тезлик билан ечиш, авария ҳолатлари ва носозликларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида «005» марказий диспетчерлик телефон хизмати орқали бюромачиларни қабул қилиш, бошқарув компаниялари ва ХУМШлар ўртасида кўп хонадонли уйлари таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш ишларини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Нима учун профессионал бошқарув компанияларига бунчалик аҳамият берилмоқда, деган савол турлиши мумкин. Амалиёт шунки кўрсатмоқдаки, бир уйли ширкатлар кўп хонадонли уйлarda умумий мулкни бошқариш учун ҳали яхши тайёргарликка эга эмас, уларга хизмат кўрсатиш бўйича маънавий мутахассисларни жалб этиш эҳтиёжи сезилмоқда. Кўп хонадонли уй эгаларини, аввало, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг юқори бўлиши ва профессионал бошқарув компаниялари молиявий фаолиятининг очик-ошкоралиғи қизиқтиради. Одамлар нима сабабдан катта ширкатлар ишидан норози бўлади? Чунки, уларнинг пули қаерга ва нималарга сарфланаётганини, қандай ишлар бажарилаётганини, улар тўлаётган бадаллар нимадан шаклланаётганини билмайди. Бошқарув компаниясида эса хизматлар нархи олдиндан келишиб олинди, ҳар бир уй бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритилди. Бундай компаниялар ҳар чоракда бир марта ширкат бошқарувида бажариладиган ишлар ҳусусида ҳисоб берилади. Бундан ташқари, бошқарув аъзолари ўзлари яшаётган уйга истаган пайтда хизмат кўрсатилиши ҳақида очик ахборотга эга бўлиши мумкин.

Алишер Набиевнинг таъкидлашича, бошқарув компанияларининг ХУМШлар билан самарали ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари ақидан ёрдам бераётир. Улар 2002 йилда ташкил қилинган бўлиб, бугун ширкатларни қўллаб-қувват-



лайдиган асосий марказ сифатида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда ва ўзаро таъриба алмашишларига қўмаклашмоқда.

Ширкатларни кичиклаштириш жараёни асосан уй-жой мулкдорларининг ташаббуси билан бундан буюн ҳам давом эттирилади. Бунинг учун янги ташкил этилаётган ХУМШларни рўйхатдан ўтказиш тизими соддалаштирилди, яъни бу иш ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади.

Мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, уй-жой фондиди зонавий ҳисобга олиш приборлари билан таъминлаш бўйича ишлар бажарилаётган. Ўшбу муҳим ишларнинг муваффақиятли бажарилиши фақат маҳаллий давлат бошқаруви органлари ёки таърибали раисга эмас, балки уй эгаларининг ташаббускорлиғи, фаоллиги, яшаётган уйнинг обод, тоза ҳамда иссиқ бўлиши учун нечоғли ҳаракат қилишига ҳам боғлиқ. Энг муҳими, ҳар бир одам қилинаётган ва бажарилиши қўзда тутилаётган барча ишлар у ва оиласи учун, турмуш даражаси ҳамда сифатини янада ошириш мақсадида амалга оширилаётганини англаб етиши даркор. Бунинг учун эса фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини оширишга доир ишларни изчил давом эттириш керак.

Ислохотларнинг муҳим таркибий қисми

Ўшбу жараёнда аҳоли ўртасида ахборот-маърифат ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ўшбу хайрли ишларга «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳам салмоқли ҳисса қўймоқда. Унинг ўқув марказида ширкатлар раислари, уй-жой фондиди техник фойдаланиш бўйича ходимлар ўқитилмоқда. Бугун қўллаб-қувватлаш бўйича давра сўхбатлари ўтказилаётганига қарамай, ҳали ҳам бундай тадбирларга эҳтиёж сезилмоқда. Ширкатлар бошқарувида пухта билимга эга бўлмаган ва тасодиқий шахсларни чиқариш мақсадида уларнинг раҳбарларининг таркиби қайта қўриб чиқилди. Бундан ташқари, аҳолининг кўп хонадонли уйлари яхши ҳолатда сақлаш ва капитал таъмирлашдан манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуни асосларини тушунириш мақсадида агентлик мутахассислари уй-жой мулкдорларининг умумий йиғилишларида иштирок этмоқда. Бу эса биттадан бештагача уйга хизмат кўрсатадиган иккам ХУМШлар сонини қўлайлаштириш ёрдам бермоқда.

Уй-жой-коммунал хўжалиги ва ХУМШларнинг самарали фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни бартараф этиш мақсадида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ширкатлар, бошқарув компаниялари ва коммунал хизматлар раҳбарларининг уй-жойларни сифатли сақлаш, таъмирлаш учун мулкдорлар маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича малакасига нисбатан талабларни оширишга ёрдам берадиган комплекс чора-тадбирларни таклиф этмоқда. Бу борада ишониб топирилган кўп хонадонли уйлarga сифатли хизмат кўрсатишни ташкил қилишга қодир мутахассисларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу вазифани бажариш учун «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг Республика ўқув-услубий маркази ширкатлар ва бошқарув компаниялари раҳбарларини марказ мутахассислари томонидан замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган услублар ҳамда ўқув дастурлари бўйича ўқитишни режалаштирилмоқда. ХУМШларни малакасига мутахассислар бошқаришга йўл қўймаслик учун ўқиш ниятига етган, тест синовларини ўтказиш қўзда тутилган бўлиб, бу борада уларнинг ширкатлар тўғрисидаги қонунчилик, ўзини ўзи бошқариш асослари тўғрисидаги билими, уйлarda умумий мулкни бошқариш ҳамда хизмат кўрсатиш қобилияти текширилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтганларга тегишли сертификатлар берилади.

Уй-жой-коммунал соҳани замонавий ускуналар ва технологиялар билан таъминлаш, ўшбу соҳада меҳнат қилаётган ходимлар малакасини ошириш, ХУМШ раҳбарларининг ишчанлик қобилиятини кучайтириш белгиланган мақсадларга эришиш имконини беради. Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар эса аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, кўп хонадонли уй-жойларнинг техник ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Алесь ВОВКИНА

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти бўлимлари Россиянинг Краснодар ўлкаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорлик шартномасини имзолади.

ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхоннинг таъкидлашича, бизнес соҳасидаги бундай тўғридан-тўғри ҳамкорлик албатта келгусида ўз самарасини беради. Ўшбу битим доирасида ўзбекистонлик тадбиркорлар Краснодар ўлкаси Савдо-саноат палатаси томонидан ўтказиладиган ускуналар, мебель, маҳсулотлари, текстиль, фармацевтика ва бошқа соҳалар бўйича тендерларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишади.

Краснодар ўлкаси ишбилармон гуруҳлари вакилларининг юртимизга таърифи доирасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда мамлакатимизда Савдо уйининг очилиши, шунингдек, миллий маҳсулотларимизнинг Краснодар ўлкаси ва россиялик ҳамкорлар ишлаб чиқарган маҳсулотларининг республикамиз бозорларида савдога чиқариш масалалари муҳокама этилди.

Россия ишбилармонларини Ўзбекистонда гўшт-сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган техникалар тендери қизқирмоқда, – дейди А.Шайхон. – Шунингдек, ўзбек тадбиркорларининг россиялик ҳам-

корларнинг қичқиндиларини қайта ишлаш, йўл қурилиши, паррандачилик, балчиқчилик ҳамда чорва молларининг сермахсул зотларини қўлайлаштириш билан боғлиқ таърибларини ўрганишга қизиқиши катта.

Краснодар ўлкаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Игорь Властенковнинг таъкидлашича, ўлкада бугунги кунда 5,5 миллион аҳоли истиқомат қилади. Мазкур вилоятнинг Савдо-саноат палатаси ўтган 2011 йилда Россия Федерациясидаги 1500 та Савдо-саноат палаталари ичида энг яхши деб топилди. Шунингдек, Краснодар ўлкаси ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда сўлим қурорт зоналари билан машхурдир. Ўлка ишбилармонлари бу соҳалардаги маҳсулот ҳамда хизматларини юртимиздаги ҳамкорларига таклиф этишмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳамкорлик ишлари деб-бачаси сифатида яқинда имзоланган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Сочи Олимпиадаси учун олимпиада рамзи туширилган футболкаларни етказиб беради.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбек ва корейс тилларини ўрганишга оид ижодий кўрик-танловлар, болалар бадий ижодиёти, ҳаваскор мусаввир ва фотоижодкорларнинг кўргазмалари, миллий кўшиқлар фестивали ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шахмат, футбол бўйича ташкил этилаётган мусобақалар ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Жорий йилда юртимизда корейс миллиати вакиллари истиқомат қилаётганининг 75 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида «Энг намунали оила» танлови, корейс миллий мусиқаси намуналаридан иборат концертлар, миллий таномлар фестивали, корейс рассомларининг кўргазмалари, дўстлик кечалари ўтказилмоқда.

Ўзбекистонда корейс диаспораси эмин-эркин, тинч ва осуда яшамокда, – дейди ЎЗА муҳбирига Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Чон Дэ Ван. – Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётир. Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси томонидан корейс халқининг тарихи, маданияти, урф-одатлари ва аънавларини сақлаш ва тарғиб қилиш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани таҳсинга сазовор. Мазкур тантанали кеча корейс ва ўзбек халқларининг ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш баробарида мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларнинг изчил ривожланишига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Мен Ўзбекистонда туғилганман, – дейди Тошкент ахборот технологиялари касб-хўна қоллежи директори Агриппина Шин. – Ўзбекистон бизнинг – ягона Ватанимиз. Бу муқаддас заминда истиқомат қилаётган корейс миллиати вакилларининг шахс сифатида шаклланиши, таълим олиши ва ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун барча шароит яратилгандан беҳад хурсандимиз. Корейс диаспорасига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиз Ислон Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Тантанали кечада таниқли санъаткорлар ва корейс бадий жомоалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ирода УМАРОВА

Анжуман

ТОТУВУК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади.
(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 31-моддасидан.)

**Тошкент Ислон университетида
Халқаро бағрикенглик кунини
муносабати билан «Динлараро
бағрикенглик — тараққиёт омили»
мавзусида анжуман бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент ва Ўзбекистон метрополити Викентий ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустаҳкам қарор топган миллатлараро дўстлик ва диний бағрикенглик муҳити юртимиз тинчлиги ва тараққиётида муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда 16 диний конфессияга мансуб 130 дан ортқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил истиқомат қилмоқда. Ислон дини билан бирга, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик кўрсатишга, жамиятимизда миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тошкент Ислон университети, Тошкент Ислон институти ва ихтисослаштирилган ўқув юрталарида бу борада пухта таълим берилмоқда. Ўзбекистонда турли динларга мансуб фуқароларнинг ўз диний амалларини эмин-эркин адо этиши учун барча шароит яратилган.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий ва диний бағрикенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида мамлакатимизда барча диний конфессиялар ўз аънавлари ва удувлари, маросимларини беамал адо этиб келмоқда, – дейди Немис евангел-лютеран черкови епископи Корней Вибе. – Жамиятимиздаги ўзаро бағрикенглик, меҳр-муруват, эзгулик муҳити тинчлик ва осудалик, фаровонлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Анжуманда ислон динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, уни нотўғри ақидалардан ҳимоя қилиш, конфессиялараро ҳамжиҳатлик ва маънавий-маърифий ҳамкорликни кенгайтириш каби мавзуларда маърузалар тингланди, фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистоннинг енгил саноат қорхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми 13,2 фоизга юксалди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибида текстиль ва тикуччилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 282 та қорхона мавжуд. Улардан 133 таси текстиль, 117 таси тикув-трикотаж ва 32 таси иппак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Жорий йилда 126 миллион АҚШ доллари экспорт салоҳиятига эга 9 та енгил саноат қорхонаси қурилиб ишга туширилди. 2011 йил якунларига қўра, енгил саноат соҳасининг мамлакат ялпи дарамадидаги улуши 2,7 фоизини ташкил этади. Бу кўрсаткичнинг 26 фоиздан кўпроғи саноат маҳсулотлари, 44 фоиздан ортқини ноозик-овқат молларига тўғри келади.

Жорий йилда енгил саноатдан ташқари, машинасозлик, металлгия ишлов бериш – 110%, ёғочга ишлов бериш ва қорғоз-целлюлоза – 108,5%, қурилиш материаллари етказиб бериш – 107,5%, озик-овқат маҳсулотлари тайёрлаш режалари – 107,2% ҳисобида ошиғи билан бажарилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида енгил ва юк автомобиллари, тракторлар, уруғ қадаш

техникалари, совутиқлар, музлаткичлар, лифти, шифер, қурилиш қоршумалари, гипс, абестоцемент ва пўлат қувурлар, минерал ўғит, кондитер, маргарин, қорғоз маҳсулотлари ва бошқаларни ишлаб чиқариш салмоғи сезиларли даражада юксалди. Йирик саноат қорхоналарида маҳсулот таннари 10,7 фоизга арзонлашди. Бу ютуқларга эскирган ускуналарни янгилаш, иссиқлик қувватларини тежаш, технологик жараёнлар ва хомашё сарфини мувофиқлаштириш ва бошқа харажатларни камайтириш натижасида эришилди.

Республика инновацион гоғлар ярмаркасида тузилган шартномаларни амалга ошириш учун 228 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жорий йил январь-сентябрь ойларида 6 триллион 200 миллиард сўмлик 1074 та лойиҳа ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шунингдек, 957 турдаги янги маҳсулотларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Натижада 3 миллиард 300 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида «Ахборот соҳасида ислохотлар амалга оширилиши дорасида миллий ОАВ ривожланиши тенденциялари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Унда республика ва ҳудудий нашрларнинг бош муҳаррирлари ҳамда журналистлари, ОАВ соҳасидаги етакчи экспертлар, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа итисослашган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатидида сўнгги йилларда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган таъкил-хуқуқий чора-тадбирлар натижа-сида юртимизда медиа соҳасининг ди-намик ривожланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. «Оммавий ахборот воситалари ривожланишига таъкидлаб ўтилди. «Ахборот эркинлиги кафо-латлари ва принциплари тўғрисида» каби қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ом-мавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг ташкил этилиши нодавлат босма ОАВ-нинг ривожланишига туртки бўлди.

Жумладан, 2000 йилда республика-да 524 та босма ОАВ фаолият юри-ган бўлса, 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткич 997 тани ташкил этди. Нодавлат босма ОАВ умумий ҳисобда 22,9 фоиздан 51,2 фоизга ўсди. Шунингдек, ҳудудий босма ОАВ-нинг сони деярли икки бараварга ошиб, умумий босма ОАВнинг 65 фоизини ташкил қилди.

Соҳа мутахассислари томонидан давлат бошқаруви органлари фаоли-ятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъ-минлашда, жойларда жамоатчилик на-зоратини амалга оширишда ОАВнинг ўрни аста-секинлик билан кучайиб бо-раётганлиги эътироф этилди. Давра суҳбати иштирокчилари ФЖШМҚМИ мутахассислари томонидан 2012 йил давомида ҳудудий босма ОАВ ҳолати устидан олиб борилган мониторинг ва тадқиқот натижалари билан танишди-лар.

Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг «Оммавий ахборот воситалари-ни янада ривожлантириш учун қўшим-ча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қароридида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳудудий босма ОАВнинг фаоллигини янада кучайтиришга хиз-мат қилаётгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, тадбир доирасида ҳуду-дий босма ОАВнинг ривожланишига ҳалал бераётган бир қанча муаммолари саволлар қўтарилди.

Тадбир сўнггида мамлакатимиз ме-диа соҳасининг истиқболли ривожла-нишига доир тақлиф ва тавсиялар ўрта-га ташланди.

Ҳабиба Йўлдошева

СОҒЛОМ ОИЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ

Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидида «Оила қуришда репродуктив саломатлиқнинг аҳамияти» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбир «Ёшлик» талабалар шаҳар-часи ҳокимлиги, «Қамолот» ЕИХ шаҳарча етакчилар кенгаши, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва Олмасор ту-мани ФХДБ бўлими билан ҳамкорликда та-шқил этилган бўлиб, учрашувдан кўзланган асосий мақсад — талаба-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, эрта никоҳнинг олдини олиш, никоҳсизлик тиббиёт кўригининг аҳамиятини ёшларга атрофлича тушунириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг тиббий кўникмаларини кучайтиришдан иборат.

— Соғлом ота-онадан соғлом фарзанд-лар дунёга келади, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги мутахасси-си Ильмира Раҳимова. — Агар биз ёшларимизга бугунданқо «Соғлом она — соғлом бола» концепциясини тарғиб қилиб бор-сак, кўзланган ниятимизга албатта эриша-миз. Бир сўз билан айтганда, биз мазкур учрашувлар орқали ёшлардаги оила билан боғлиқ тиббий кўникмаларини шаклланти-ришни мақсад қилиб олганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарори ва шаҳар ҳокимлигининг 2011 йил 21 ноябрдаги 706-сонли қарорига асосан, юртимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

Барчамизга маълумки, олов — қадимдан инсоннинг дўсти, унинг ёрдамида қўллаб-қўллаб яшай-ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга олов вафодор дўстдан, санокли дақиқаларда қўлларингиз билан яратилган бойликларни йўқ қилиб таш-лайдиган шайтансиз душман-га айланиши ҳам ҳеч гап эмас.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда «Ёнғин хавф-сизлиги ойлиги» бошланмоқда. Бу тадбирни ўтказиш-дан кўзланган асо-сий мақсад нима? Ойлик давомида қандай ишлар амалга оширилади қабилдаги савол-ларнинг туғилиши табиий. Шу савол-лар билан Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Ёнғинни олдини олиш ва назоратини ташкил

этиш бўлими бошлиғи «Подпол-ковник Бахтиёр Пулатовга му-рожаат қилдик: — Ҳар гал ушбу тадбир ай-нан куз фаслининг охири, қиш фасли бошларида ўтказилмоқ-да. Бу бежиз эмас албатта. Соҳа ходимлари бу даврга ке-либ кунлик ҳароратнинг кескин пасайиши, қировли кунларнинг бошланиши фуқароларнинг иситиш мосламаларини ишла-тишга бўлган эҳтиёжлари бир-мунча орттириши, шунинг баро-баридида фуқароларимизнинг қўлда ясалган, носоз ва хавф-сизлик нуктаи назаридан иш-латишга мўтлақо яроқсиз бўлган иситиш мосламаларидан фойдалана бошлашларини на-зардан қолдиришмаган.

Бу борада аниқ маълумот-ларга асослансак, ўтган давр мобайнида шаҳримиз ҳудуди-да 1312 та ёнғин содир бўлган. Ушбу ёнғинларда 29 нафар инсон ҳалок бўлган ва 30 таси турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Бу ёнғинлар аҳоли турар жойла-рида — 514 тани, майиш-ма-данний ва маъмурий бинолари-да 71 тани, ишлаб чиқариш корхоналарида 73 тани ташкил этди. Ёнғинларнинг келиб чи-қишига асосан фуқароларнинг

ошов билан фойдаланишлари-да эҳтиётсизликлари сабаб бўлмоқда — бундай ҳолатлар 688 марта рўй берди.

Ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 80 фоизи хонадонлар-да, шундан 40-50 фоизи газ иситиш печларидан ва турли хилдаги электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибати-да содир бўлмоқда.

Энди «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбири ҳақида гапи-радиган бўлсак, биз йил даво-мида профилактика ишларини ўтказиб келаемиз. Чунки биз-нинг вазифамиз, кўзланган асо-сий мақсадимиз — энг ав-вало, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тушунириш ва тар-ғибот ишларини кучайтириш ва шу орқали ёнғинлар сонини камайтиришдан иборат. Акса-рият содир бўлган ҳодисалар-ни таҳлил қилар эканмиз, ҳар бир ёнғин ўз ўзидан эмас, бал-ки инсонларнинг лоқайдликла-ри, бепарволиклари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари ва болаларнинг назоратсиз қолиб, олов билан ўйнашлари натижасида юз бе-раётгани аён бўлади.

Уз-ўзидан савол туғилади. Хонадонларда келиб чиқаётган ёнғинларнинг олдини олиш борасида соҳа ходимлари қан-дай тадбирларни амалга оши-ришлари керак? Авваламбор, ёнғин хавфсизлиги хизмати хо-димлари «Тошшаҳаргаз» ва ша-ҳар электр тармоқлари ходим-лари билан биргаликда рейд-лар ўтказиб, аниқланган кам-чиликлар юзасидан тушуни-риш ишларини олиб боради-

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари ва талабалар турар жойларида тиббиёт ходимлари билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этилмоқда.

«Гедон Рихтер» фармкомпанияси ваки-ли Гулнора Шарипова «Оила қуришда ре-продуктив саломатлиқнинг аҳамияти» номли маърузасида бугунги кунда турмуш қура-ётган ёшларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиши келажақда соғлом фарзандлар ту-ғилишига, жисмоний ва маънавий барка-мол авлоднинг тарбияланишига замин яра-тишини таъкидлади.

Учрашув давомида Олмасор тумани ФХДБ бўлими инспектори Луиза Маҳ-мудбекова ўзининг қизиқарли маъру-

заси орқали ёшларга тўйдан олдинги тиббий кўриқнинг мақсади ва аҳамия-тини атрофлича тушунириб берди. Тадбир сўнггида талаба-ёшлар ўзлари-ни қизиктирган саволлари билан мута-хассисларга мурожаат қилиб, керакли тиббий билим ва кўникмаларга эга бўлишди.

Уйлаимизки, бундай тадбирлар ёшлар-ни оила қуришга тайёрлашда ўзига хос мактаб бўлса ажаб эмас.

(Ўз мухбиримиз)

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида ўтказилаётган тад-бирлар самарадорлигини ошириш мақсадида болалар-га ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган бир-ламчи ўт ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжом-лари, уларни ишлатиш тар-тиблари тушунирилиб, кўрсатиб борилади. Бундан ташқари ёнғинлар қандай та-лафотларга олиб келиши мум-кинлигини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилади. Ўт ўчирувчилар ав-вало, кичикнотойларга содир бўлган ёнғинлар ҳақида гапи-риб, ёнғин юз берганда би-ринчи навбатда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тушунчалар бери-шади. Ёнғин муҳими, улар тушунирил-ган барча гаплар-ни амалий жиҳат-дан кўрсатиб, бо-лаларда муайян хулосалар ҳосил қилишади.

Шунинг учун ҳам маҳалларда, корхона ва муасса-саларда учрашувлар уюштири-лади; ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилишга маҳалла аҳли, ишчи-хизматчилар қорланади. Ёнғин хавфсизлиги ойлиги мобайни-да ҳам бундай тадбирлар ҳар бир туманда доимий равишда ўтказилади. Биз ҳамиша ноқо-нуний равишда газ ва носоз электр ускуналаридан фойда-ланиб келаётган айрим инсон-лар билан қурашиб келаемиз. Баъзида фожиага олиб кела-ётган бепарволикларнинг ол-дини олиш мақсадида, ўткази-лаётган учрашувларда албатта фотосуратлардан ҳам фойдала-намиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир ёнғин — йўқотишдир. Ёнғин оқиб-атида инсонлар ҳаётдан кўз юм-маслиги, бир умрга ногирон бўлиб қолмасликлари учун барчамиз оловдан унумли фой-даланишни билишимиз зарур-дир. Мухтасар қилиб айтганда ушбу ойликда барча фуқаро-ларимизнинг фаол иштирок этишларини таъминласак, шу орқали қўллаб ёнғинларнинг олдини олган бўламиз.

Муслима РАҲИМОВА,

Тошкент шаҳар

ИИББ ЁХБ

муҳандиси, катта

лейтенант

ларда жамоатчилик назоратини амалга оши-ришнинг ҳуқуқий асослари ва амалиёти шакл-ланган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республи-каси миллий қонунчилигида жамоатчилик на-зоратини амалга оширишни тартибга солувчи нормалар бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат-ларда ўз аксини топган. Масалан, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларга мувофиқ бажарилмоқда. Жамоатчилик экологик экспертизаси эса «Та-биатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ҳайво-нот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фой-даланиш тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги каби қонунлар асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, тадбир давомида «Мамла-катимизда демократик ислохотларни янада чу-қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-лантириш Концепциясида» илгари сурилган «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ва «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари муҳокамаси ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир якуни бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг иштироки борасида, шунингдек, бу соҳадаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Отабек ОТАЁРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КОСНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси оқиб бориш тартибидида ўтказилаётган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Бектемир туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2011 йил 8 ноябр-даги 10-1115/7955-сонли ижро ҳужжатида асосан, Тош-кент шаҳар, Учтепа тумани, ҚХАЙ, Фарҳод ва лойиҳа-даги Г 30.0 м кўчалари оралиғида жойлашган, бирин-чи қаватнинг умумий майдони 68.0 кв.м, фойдаланиш майдони 62.66 кв.м, иккинчи қаватнинг умумий майдо-ни 59 кв.м., фойдаланиш майдони 54.18 кв.м. дан бўлган икки қаватдан иборат бинонинг бир қисми тақоран қўйил-моқда. Бошланғич баҳоси — 145 980 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 декабрь кунни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларидан иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2012 йил 10 декабрь кунни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат кели-шувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи-дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳуж-жатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Са-бон ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳ-ри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-80.26. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. Лицен-зия: RR-0001

Электр энергиясини тежаш иқтисодий тараққиёт ва сифатли хизмат кафолатидир!

«Toshkent shahar elektr tarmoqlari korxonasi» ОАЖ

Тошкент шаҳар «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси туман автокорхо-наларининг чиқинди ташувчи махсус автотранспорт воситалари учун 3 йил-дан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган ҳайдовчи ҳамда юк ортувчиларни ишга тақлиф этади.

Иш шароити сменали. Ўртача ойлик маош ҳайдовчилар учун 800 минг сўм, юк ортувчилар учун 700 минг сўмни ташкил этади.

Шунингдек, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси бошқарма автокорхоналарига аҳоли билан ишлаш бўйича назоратчи вази-фасига ҳам ишга тақлиф этади.

Ойлик маош: мукофотли-ишбай.

Маълумот учун телефонлар: 247-45-56, 247-25-99, 247-02-11, 247-06-70.

Манзил: Учтепа тумани, Бекобод Санот зонаси.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, Оқибат кўчаси, 41-уйда яшовчи Махмудова Мавжудага тегишли бўлган уй кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонасидан 2012 йил 23 августда олинган, 6055 сон билан рўйхатга олинган 18 формали маълумотнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшан-бадан ташқари ҳар кунни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.

Факс: (371) 233-21-56.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

И.Эргашев номли 4-сон шаҳар клиник шифохонаси жамоаси бош шифокор ўринбосари Мукаррам Пула-товна Мухаммедовага отаси

Пўлат Халилович ЮЛДАШЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академиясининг жамоаси ва касба уюшмаси госпиталь ва факультет жарроҳлик кафедраси мудир, профессор М. Ш. Ҳакимовнинг турмуш ўртоғи **Баҳорат Абдуллаевна ҲАКИМОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларида чуқур таъзия изҳор этади.

Анжуманлар

СОҲА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролар ва фуқаролик жамияти институ-ларининг иштироки, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга бағиш-ланган давра суҳбатида Тошкент шаҳри ва пой-тахт вилоятидаги маҳаллалар раислари, фу-қаролик жамияти институтлари, Истеъмолчи-лар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фе-дерацияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палата-си ва унинг ҳудудий бўлимлари, адлия орган-лари, ОАВ вакиллари ва бошқалар иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Мамлакатимизда демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида кўзда тутилган вазифаларни бажаришдаги ўрни юза-сидан алоҳида тўхталиб ўтишди. Хусусан, Фуқа-ролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассисларининг фуқа-ролик жамияти институтлари вакилларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, улар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни та-комиллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча жаб-ҳаларида демократлаштириш ва либераллашти-риш масалаларига бағишланган тадбирларни ташкил этишдаги фаолияти юқори баҳоланди.

Экспертлар таъкидлаганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда маълум бир соҳа-

Тадбирлар

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ НАМОЁН
ЭТИШДИ

Шайхонтохур туманидаги 254-умумий ўрта таълим мактабида «Ораста қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда қизлар «Соғлом қиз — соғлом оила фахри», «Саломлашиш одоби», «Оиладаги маънавий соғлом муҳит», «Остонамни озода сақлайман», «Менинг маҳаллам», «Чуқур таълим олиш», «Миллий қадриятларимиз» каби мавзуларда турли чиқишлар қилишди.

— Хар бир қизимиз ораста уйнинг бўлғуси келинчагидир, — дейди мактаб директори Бахтинисо Пулатова. — Уларни келажак ҳаётга тайёрлаш, чаққон, саранжом-саришталли этиб вояга етказиш ва мустақил фикрлашга ўргатиш бизнинг олий мақсадимиз. Уларнинг ҳозирги чиқишлари

рини кўриб, кўнглим ёришди. Мактабларимизда мана шундай зукко қизларнинг тарбияланаётганидан уларнинг келажакда мустақам оиланинг асосий таянчи бўлишини ўйлаб жуда қувондим.

Бинобарин, қизларимиз миллий қадриятларимиздан ҳисобланган кийиниш одоби-ни ҳам четда қолдиришмади. Улар миллий либосларимиз намоишини кўрсатишди.

Шунингдек, «Оиладаги маънавий соғлом муҳит», «Чуқур таълим олиш» йўналишидаги чиқишлар ҳам эътиборни ўзига тортиди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА



Азиз Абдуллаев (ўрта) олган сурат

Архив ҳужжатларини рақамли нусхаларини яратиш учун «Алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш» сектори ташкил этилди. Сектор ходимлари саъй-ҳаракати билан марказий кинофотофоно ҳужжатлар давлат архивида бу усулдан кенг фойдаланиш билан боғлиқ қатор янгиликлар амалга оширилди.

ЭЛЕКТРОН НУСХАЛАР
ЯРАТИШ СЕКТОРИ

— Архивда ҳозир 19 мингдан ортиқ кино, 237 минг фото, 15 минг фотоҳужжатлар сақланмоқда, — дейди архив директори И.Абдусаломов. — Уларнинг аксарияти алоҳида қимматга эга ноб ҳужжатлардир.

Янги олинган техника воситалари фотоҳужжатларни рақамлаштириш имконини берди. Ҳатто эски фотосуратлардан ҳам сифатли нусха олиш мумкин бўлди. Эндиликда бу каби материаллар каталогларга киритилиб, барча нусхалари серверда сақланмоқда.

Акбар АЛИЕВ

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ
МАҲОРАТЛАРИНИ
ОШИРМОҚДАЛАР

Юнусобод туманида жойлашган Талибжон Содиков номидаги маданият уйида тасвирий санъат студиясига қатнаётган ўқувчиларнинг ишларидан ташкил топган кўргазма бўлиб ўтди.

Унда ҳар хил ёшдаги болалар ижодига мансуб ишлар намоиш этилди. Улардан энг каттаси 12 ёшли Собиржон Анваровдир. Рангларни яхши ҳис этувчи, хотираси орқали расмлар чизувчи Собиржон келгусида иқтидорли мусаввир бўлишни орзу қилади.

Фазлиддин Асомиддиновнинг фантазияси бой бўлиб, уни кўпроқ тарихий шахслар, қаҳрамонлар қизиқтиради.

Студия аъзоларидан шоирона руҳга эга Ди-лафруз Асомиддинова ўз устида ишлаб, маҳоратини оширишга интилади, жуда эҳтиросли Настя Пакнинг ишлари ўртоқлариникидан анча ажралиб туради.

Тўғрақнинг энг ёш аъзоси Виталина Муборақжонова эса қизиқарли тарзда эртак қаҳра-

монлари қиёфасини чизишга қизиқади.

— Юқоридаги ёш иқтидорлар тасвирий санъат студиясининг илк қалдирғочларидир, — дейди тўғрақ раҳбари Қаҳрамон ака Нуриддин. — Дастлабки кўргазмада барча катнашчиларнинг ишлари намоиш этилди. Бироқ устахонамизнинг тор эканлиги боис бир оз қийналяпмиз. Келгусида янги жойга жойлашсак, амалий санъатнинг жозибали турларидан бири — нақш тўғрагини очиш режамиз ҳам бор.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: тасвирий санъат студияси аъзолари ижодий сабоқ олмоқдалар.

Козим Ўлмасов олган сурат

Спорт янгиликлари
МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича 19 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг ярим финалида Ўзбекистон — Жанубий Корея терма жамоалари ўзаро беллашишди.

Айтиш жоизки, чорак финалда суриялик тенгқурларига қарши кечган нияҳотда қийин учрашув ҳамюртларимизни бир оз толиқтиргани корейликлар билан баҳсда билиниб қолди. Учрашувда Жанубий Корея терма жамоаси устунлик қилди. Майдон марказида тўп билан муомала қилиш, рақиб дарвозасига тезлик билан хавфли ҳужум уюштириш ботида рақиблар Аҳмаджон Мусаев шогирдларини бир оз шошириб қўйгани ҳам бор гап. Учрашувнинг биринчи бўлимида дарвозалар дахлсиз қолди. Аммо, корейслар иккинчи бўлимининг еттинчи дақиқасида ҳисобни очишди. Гол муаллифи Кан Сун. Орадан саккиз дақиқа ўтиб Асилбек Омонов дарвозаси томон пенальти белгиланди. Рақибларнинг энг маҳоратли футболчиси Чан Жин Муннинг пенальтидан берган зарбаси бехато кетмади. Шундан сўнг ҳамюртларимиз ҳам ҳужумкор ўйнашга интилишди, корейслар дарвозаси томон бир неча бор хавфли ҳужумлар уюштиришди. Ҳужумларнинг бири гол билан якунланди. Игорь Сергеев Осиё чемпионатидаги еттинчи голини айнан корейслар дарвозасига киритди. Қолган дақиқаларда томонлар яна ҳужумкорликка зўр беришди.

Корейликлар эса ўзини яқунланишига озгина қолганда яна ҳамюртларимиз дарвозасини аниқ нишонга олишди ва ўйинда 3:1 ҳисобида зафар қучишди. Лекин нима бўлганда ҳам Мусаев шогирдлари муҳлисларни ажойиб ўйинлари билан хушнуд этиб, ўз ёшлари бўйича қитъанинг энг кучли тўртта терма жамоаси сафидан ўрин олишди, келгуси йили Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлишди.

Албатта, келгусида биз бу футболчилардан халқаро майдонларда янада ёрқинроқ галабаларни кўтиб қоламиз.

Шу кунларда Словениянинг Марибор шаҳри мезбонлик қилаётган шахмат бўйича 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш иқтидор эгалари ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг 8-9 тур баҳслари қизиқарли курашларга бой бўлмоқда.

Эътиборли жиҳати, 8 ёшгача бўлган спортчилар мусобақасида пешқадамлик қилаётган ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов ушбу турда ҳам зафарли олимни давом эттирди. Ўзининг энг ақин таъкибчиларидан бири хитойлик Янг Юангта қарши кечган партияда Нодирбек ишончли галабани қўлга киритиб, турнир жадвалидаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Навбатдаги турда эса ҳамюртимиз туркиялик Узумчу Ахмет Уткуга қарши донга суриб, дурангга имзо чекди. Шу пайтгача туркиялик спортчи ҳисобида 8 имкониятдан 7 очко мавжуд эди. Келгуси турда Нодирбек энг яқин таъкибчиси мўғуллик Батжаргал Ирмунтулга қарши донга суради. Ҳозирча истеъдодли шахматчимиз ҳисобида 9 имкониятдан 8,5 очко мавжуд ва у ҳамон ўз гуруҳида пешқадам бўлиб турибди. Шу ёшдаги қизлар мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган Юлия Хегай қора доналарда АҚШлик Ратрай Жессика устидан галабага эришди, 9-турда дуранг натижага эришди.

Гуруҳдаги сўнгги турда Юлия хиндистонлик Ракшита Равини

мағлуб этиб, очколари сонини 5,5 тага етказиб олди. Шунингдек, Асал Салимова, Ортиқ Нигматов 10 ёшдан 12 ёшгача, ФИДЕ устаси Олег Артеменко, Алихон Гусейнов, Баҳора Абдусатторов ва Сарвиноз Қурбонбоевалар 16

ҒАЛАБАЛАРГА БОЙ
МУСОБАҚА

ёшдан 18 ёшгача бўлган рақиблари устидан галабага эришдилар. Шунини маълумот ўрнида таъкидлаш керакки, ФИДЕ усталари Темур Игонин ҳамда Гулрухбегим Тохиржонова 12 ёшдан 14 ёшгача бўлган рақиблари билан бу сафар дурангга имзо чекдилар. Тўққизинчи тур ўйинларининг якунларига қўра, Нодирбек Абдусатторов — 8 очко, Шамсиддин Воҳидов — 6 очко, Юлия Хегай, Темур Игонин ва Гулрухбегим Тохиржонова — 5,5 тадан очко, Нодирбек Ёқуббоев, Баҳора Абдусатторов, Сарвиноз Қурбонбоева, Ортиқ Нигматов ҳамда Асал Салимова — 5 тадан очко, Шаварш Бадалаян, Алихон Гусейнов,

Мамлакатимизда миллионлар ўйини — футболни болалар ва ўсмирлар ўртасида янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга сазовор.

ЖАМОАЛАРИМИЗ ЎЗ
ГУРУҲЛАРИДА ПЕШҚАДАМ

Яқинда Қарши шаҳрида футбол бўйича 1996-1997 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида турнир уюштирилди. «А» гуруҳида барча рақибларидан кўра маҳоратли ўйин намоиш этган Тошкентнинг «Бунёдкор» ҳамда Қаршининг «Насаф» жамоалари тарбияланувчилари биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган бўлса, «В» гуруҳида пойтахтнинг «Пахтакор» ҳамда Наманганнинг «Навбахор» жамоалари ёш футболчиларига тенг келадиган рақиб топилмади.

ОГОҲЛАНТИРИШ ПАНД
БЕРДИ

Футбол бўйича 2014 йилда Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатида саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳ баҳслари энди келгуси йилнинг 26 март кuni уюштирилади.

Ҳозирда жаҳон чемпионатида саралаш турнири «А» гуруҳида пешқадамлик қилаётган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси айнан 26 март кuni Тошкентда ли-ванлик чарм тўп усталари билан куч синашади. Ушбу учрашувда марказий ҳимоячи Исрол Тўхтажоев терма жамоамиз шарафини ҳимоя қила олмайди.

Сабаби, шу кунгача Исрол ҳакамлар томонидан икки марта огоҳлантириш олган. Шунингдек, Азиз Ҳайдаров ва Александр Гейнрихнинг ҳам кейинги беллашуларда эҳтиёткорлик билан қоида бузмаган ҳолда тўп суришлари талаб этилади. Сабаби, ушбу футболчиларимиз ҳисобида ҳам биттадан огоҳлантириш бор.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Олег Артеменко — 4,5 тадан очко жамғаришган.

Ўзбекистон азал-азалдан истеъдодларга бой ўлкадир. Шу жумладан спорт соҳасида ҳам ёш иқтидорларнинг етишиб чиқаётгани бунинг яққол далилидир. Қайси спорт турини олмайлик, ёшларимиз дунёнинг барча нуфузли турнирларида совриндорлар сафидан ўрин олишда ва бу ўз-ўзидан серкўш ўлкамизни рейтинг жадвалида пешқадамлар сафига етаклайди десак муболага қилмаган бўламиз, албатта. Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро спорт майдонларида эришаётган муваффақиятлари доимо ҳақимиз назарида, давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Албатта, қўлга киритилган бундай буюк галаба ва ютуқлар келажакимиз эгаларига

ўрнат ва ибрат бўлиш билан бирга, қанчадан-қанча ёшларимиз қалбида спортга бўлган меҳрни янада шакллантиштириш билан ҳам аҳамиятлидир. Шунини ишонч билан айтиб бериш мумкин. Бугунги галабалар бир турини олиб қаралса, спортчи ҳамда мураббийлар учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилган. Шундай экан, ёшларимиздан фақат ўз устида кўпроқ ишлаб, яратиб берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Раббонакул МУХТОРОВ

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Йўқотган — топади,
Топган — йўқотади.

Одамлар бошқаларни муҳокама қилиб яшайдилар-у, ўзлари билан ишлари йўқ.

Ҳамма ҳам яхши яшасам дейди, лекин бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш кераклиги ҳаммининг ҳам хаёлига келмайди.

Бошқаларнинг айби сенга кўринганидек, сенинг ҳам айбинг бошқаларга кўринади.

Вақтинг — бахтинг.

Муттаҳам ва ёлғончидан дўст чиқмайди.

Ўлим хавф солганда яширин қувватлар ишга тушиб кетади.

Бахил пулини, нодон ақлини ишлатмайди.

Бир еринг оғриси, жонинг кўзингга кўринмайди.

Яхшилик сертармок дарахтга ўхшайди.

Норозилик қон-қонига сингиб кетган кишига ҳаёт завқи татимайди.

Ўлимдан кўрққаннинг кўзига ажали кўринаверади.

Хурматини билмаган хурматга лойиқ эмас.

Фикрламаган ўсмайди.

Бировнинг арзимаган хатоси бошқаларнинг тақдирини ҳал қилиб юбориши мумкин.

Шуҳрат қадахининг майи ҳаммага ҳам насиб этмайди.

Тарбиянинг тамал тоши оилада қўйлади.

Меҳнат — курашнинг энг яхши усули.

Нимаики ортиқча бўлса, гурур туғдиради: ақл ҳам, ҳусн ҳам, илм ҳам, куч ҳам, давлат ҳам...

Бошқалардан айб қидирганининг ўзи ҳам беайб эмас.

Бировни норози қилиш осон, рози қилиш қийин.

Ҳар бир ишинг ҳам юришавермайди — дарҳол ҳафсаланг пир бўлиб, қўл силтама.

Бор кучини бир нуқтага йўналтирган ютади.

Ўзини билмаган ўзгани қайдан билсин.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра, 21 ноябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқ-дори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 21 ноябрь кuni ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совқ, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади.